

ПАВЛОВНИЯ ЎСИМЛИГИНИ УРУҒДАН УНИБ ЧИҚИШ БИОЛОГИЯСИ ВА НИҲОЛЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.

Бегматов Абдусамат Маматқулович - Термиз давлат университети
ўқитувчиси, доцент. Термиз, Ўзбекистан

Аннотация: Ушбу мақолада шаҳримизда, Павловния ўсимлигининг биоэкологик, иқтисодий хусусиятлари, ҳосилдорлигини ошириш ва улардан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар билан таништириш.

Калит сўзлар: Павловния ўсимлиги, етиштириш, биология, уруғ, дарахт, ботаник оиласи.

Аннотация: В данной статье в нашем городе познакомим с вопросами, связанными с биоэкологическими, экономическими свойствами растения Павловния, повышением урожайности и их эффективным использованием.

Ключевые слова: растение павловния, выращивание, биология, семя, дерево, ботаническое семейство.

BIOLOGY OF PAVLOVANIA SEED GERMINATION AND SEEDLING FORMATION.

Begmatov Abdusamat Mamatkulovich - Termiz State University, dotsent.
Termiz, Uzbekistan

Abstract: In this article in our city we will introduce you to the issues related to the bioecological, economic properties of the Paulownia plant, increasing yields and their effective use.

Key words: Pavlovnia plant, cultivation, biology, seed, tree, botanical family.

Павловния ўсимлигини лаборатория шароитида уруғ унумчанлигини тажриба асосида ўргандик. Танланган уруғлар 2020 йил 15-февраль куни,

соат 15:00 да оддий сувга ивйтиб қўйилди. Бир сутка турган уруғларни Петри ликопчасида 3 дона намланган қоғоз устига 100 дондан иборат бўлган уруғлари экилди кейин 10 томчи сув томизиб, 22°C ли термостатга жойлаштирилди ва ҳар куни назорат қилиб борилди.



А




Б



1-Расм. Петри ликопчасига павловнияни экилган уруғлари (А), термостатда жойлаштирилган уруғлар (Б), уруғнинг униб чиқиши ва ўлчами (В).

Кузатиш жараёнида барча уруғлар бир вақтда униб чиқмасдан кузатилди. Лаборатория шароитида уруғлар 4 кунда униб чиқишни бошлади. Уруғлар униб чиқишни бошлаган кунда 1%, максимал даражада униб чиқиш эса 8 кунда (29%) ҳамда 12 кундан сўнг уруғлар униб чиқиши камайди (1%). Шундай қилиб лаборатория шароитида жами 87 % уруғлар униб чиқди. Бу ҳолатларни кузатиш натижасини қуйидаги жадвал асосида кўриш мумкин:



2-расм. Павловния уруғларининг унувчанлиги, %

Тадқиқотларда Павлониянинг уруғ унувчанлигини ўрганиш хона шароитда ҳам олиб борилди. Хона шароити мухотида Петри ликопчасида 3 дона намланган қоғоз устига 100 донадан Павловниянинг уруғлари экилди. Тадқиқотлар 3 хил муддатда март, апрель ва май ойларида ўтказилди



А



Б

3-расм. Павловниянинг Петри ликопчасида экилган уруғлари (А) ваи термомет кўрсаткичи (Б), (хона шароити).

Март ойида хона шароитида уруғлар 5 кунда униб чиқишни бошлади. Уруғлар униб чиқишни бошлаган кунда 2%, максимал даражада униб чиқиш

эса 8 кунда (44%) хамда 10 кундан сўнг уруғлар униб чиқиши камайди (1%). Шундай қилиб хона шароитида жами 81 % уруғлар униб чиқди

Апрел ойида хона шароитида уруғлар 5 кунда униб чиқишни бошлади. Уруғлар униб чиқишни бошлаган кунда 3%, максимал даражада униб чиқиш эса 7 кунда (55%) хамда 10 кундан сўнг уруғлар униб чиқиши камайди (1%). Жами 88 % уруғларнинг униб чиқиши аниқланди.

Май ойида хона шароитида уруғлар 6 кунда униб чиқишни бошлади. Уруғлар униб чиқишни бошлаган кунда 1%, максимал даражада униб чиқиш эса 8 кунда (36%) хамда 11 кундан сўнг уруғлар униб чиқиши камайди (1%). Жами 83 % уруғларнинг униб чиқиши аниқланди.

Тегишли муддатларда уруғ унувчанлиги кўрсаткичи 81 %, 88% ва 83% ни ташкил этди.

Суғориладиган дала шароитида хам уруғларнинг униб чиқиш кўрсаткичлари нисбатан хона шароитидаги натижалардан анча паст бўлди. Тегишли муддатларда суғорилган тупроққа экилган уруғларнинг унувчанлиги кўрсаткичи мос тарзда 39% ни ташкил этди. Дала шароитида уруғ унувчанлигининг хона шароитига нисбатан пастлигини тупроқ-иқлимнинг таъсири билан изоҳлаш мумкин. Таъкидланганидек, сутка мобайнида ҳаво ва тупроқ ҳарорати кескин ўзгариб туради. Кундузи ўртача ҳаво ҳарорати 30-35⁰С бўлса, кечки пайтларда 12-18⁰С га етади. Бу эса уруғнинг униб чиқиши учун зарур ҳароратни ўз вақтида тўплашига хамда муртақнинг унишига ноқулайлик туғдиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Михайлевская О.Б. Сычева А.В. Ритм роста, структура побегов и побеговых систем у представителей семейства *Cornaceae* // Бюл. Глав. ботан. сада. Вып.185. 2003. – С. 105-112.

2. Муравьева Д.А. Тропические и субтропические лекарственные растения. – М.: Медицина, 1983. – 720 с.

3. Нестерович Н.Д., Дерюгина Г.Ф. Деревесные растения и влажность почвы.- Минск: Наука и техника, 1972.-199 с.

4. Печеницын В.П., Эркебаев Т.К. Способ определения санитарно-гигиенических свойств древесных растений. Патент. №3429.1994.

5. Тухтаев Б.Е. Биоэкологические особенности солеустойчивых лекарственных растений на засоленных землях // Интродукция и акклиматизация растений. – Ташкент: Фан, 2003. – вып. 28. – С. 115-118.

6. Тўраев А. Павловния дарахти хақида тўлиқ маълумот. Агро-олам.уз.

7. Федорук А. Т. Таксономический и фитоценотический анализ культурной дендрофлоры Белоруссии: Автореф. дисс. ...докт. биол. Наук. – М., 1990. – 46 с.